

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Қорабоев Маъмуржон Муқимжонович

Фарғона вилояти касбий таълимни ривожлантириш
ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси

Ватан остонадан бошланади. Бу гап бежиз айтилмаган, инсоннинг киндик қони тўкилган, туғилиб ўсган, тарбия топган, тузини тотган жойнинг ҳар бир қарич ерини асраб-авайлаш ҳар бир ўсиб келаётган ёшларнинг мажбурияти, қолаверса, шаънидир. Оила-жамиятнинг энг кичик бўлаги бўлиб, инсонларга туғилгандан то умрининг охиригача туғилиб ўсган оиласини, оила аъзоларини ҳурмат қилиш, оиланинг ҳар томонлама ижтимоий, иқтисодий, маънавий юксалиб бориши учун ўзининг ҳалол меҳнати билан хизмат қилишини таълим-тарбия орқали уқтиришган. Шундай экан, ҳар бир ёш авлод туғилиб ўсган Ватанининг равнақи учун ўз ҳиссасини қўшишга ва ҳалол меҳнат билан сидқидилдан хизмат қилишга масъулдир.

Ҳозирги жадал ривожланиш даврида бутун жаҳон ҳамжамияти билан ҳамнафас бўлиш, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар, геополитик ҳаракатларни доимий равишда нафақат кузатиб бориш, балки ўз онгига ҳам сингдира олиши, тўғри хулоса чиқариш қобилиятини юксалтириши ва ҳаётга ўз ўрнида татбиқ қилиши замонавий етук шахс учун жуда муҳимдир. Бунда албатта тарбияланаётган ёш кадрларнинг пухта эгаллаган билимлари, ахборот алмашиш қобилияти, замонавий технологиялардан оқилона фойдалана олиши жаҳон мамлакатлари билан юз бераётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш имкониятини беради. Бунда албатта ёшларнинг замонавий технологиялар ёрдамида Ватанининг ривожланишига хизмат қила оладиган энг зарур ва унумли ахборотларни ажрата олиш қобилиятига эга бўлиши талаб

этилади. Бунинг учун эса таълим даврининг илк йиллариданоқ ёш авлодга ватанпарварлик руҳини сингдира олиш, ўз туғилиб ўсган юртининг равнақини кўзлай билишга ўргатиш, керак бўлса маҳалладан, яшаб турган жойидан бошлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобласак муболаға бўлмайди. Шу сабабдан юртимизда маҳаллаларга катта эътибор берилиб келинмоқда. Бундан ташқари, Республикамизда 11 йиллик мажбурий таълимнинг жорий қилиниши ҳам ёшларда ватанпарварлик ҳиссини уйғотишда асосий роль ўйнайди. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгига азалдан мавжуд миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳини чуқур сингдириш, ўтмиш тарихдан “Аслида ким эдигу, бугун ким бўлдик” деган саволларга эса етук педагогларимиз маърузалари орқали муносиб тушунчалар бериш, қолаверса, оилада маънавий соғлом тарбия муҳитини яратиш, ёшларда “комил шахс фундамент”ини яратиш бугуннинг энг долзарб масалаларидан бўлиб қолмоқда.

Шу сабабдан олий таълим муассасаларида етук кадрлар тайёрлашда, ўсиб келаётган ёшлар онгида ватанпарварлик руҳини тарбиялашда ўз ўрнида педагогларимизни ҳам илмий савияларини замон талабига мос равишда юксалтириш муҳим аҳамият касб этади. Аждодларимизнинг Ватан равнақи, тинчлиги йўлида амалга оширган юришлари, киндик қони тўкилган тупроғининг ҳар бир қарич ерини сақлаб қолиш учун олиб борган кураш ва йўқотишлари, мустақилликка эришгунча давр мобайнида босиб ўтган «энг машаққатли йўл»ининг асл моҳиятини англаш ва шу тариқа ўтмиш тарихини ўрганиш ёш авлод учун ватанпарварлик тушунчасини чуқур англаб етишларида асосий омиллардан ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз-келажак йўқ» деган оқилона гаплари аждодларимизнинг ўз она Ватани равнақи учун мардонавор ҳаракатлари барча ёш авлодга ўрнатилган вазифасини ўтаб, улар онгида ватанпарварлик туйғусини илдиз отишига хизмат қилиб келмоқда. Эндигина 28 йиллик тарихий йўлни босиб ўтган ёш, мустақил республикамиз ҳукумати ва халқининг ривожланишга бўлган интилишларига қарамасдан, афсуски турли салбий оқибатларга олиб келувчи

тўсиқ ҳам мавжуд. Республикамизда эркин меҳнат фаолиятини олиб бориш учун яратилган шарт-шароит ва етарли имкониятларга қарамай, айрим фуқаролар мўмай даромад топиш, енгил-елпи йўллар билан бойлик орттириш мақсадида, ўз оилалари, яқин қариндошларини ташлаб ўзга юртларга иш излаб чиқиб кетиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Бунинг натижаси ўлароқ инсон умрининг заволи бўлмиш «одам савдоси»дек иллатнинг исканжасига тушиш ҳолатлари юзага келмоқда. Ўз юртини қўйиб, ёт ғояларга берилиб ўзга юрт сари интилган фуқароларда заррача ватанпарварлик туйғуси борлигига ишониш қийин. Чунки ўзга бегона юртларда хору зор бўлишни ўзига эп билган бундай кимсалар Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти олдида катта машаққат билан эришаётган обрў-эътиборини қаердан ҳам билсин? «Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл» деган халқимизнинг доно ҳикмати йиллар ўтиб ўз исботини топмоқда. Қўлида гулдек ҳунари бор тайёр кадрнинг ўзга юртга кетиб қолиши эса Ватанамиз равнақи учун ҳисса қўшиши муқаррар бир фуқарони йўқотишдан далолат беради.

Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишда, ривожланиб бораётган «Интернет тизими» ва компьютерлашган ахборотларни ўта юқори тезликда алмашиш технологиялари тизимларидан давлатимиз равнақи йўлида кенг миқёсда фойдаланишда хорижий тилларни мукамал эгаллаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Республикамизда хорижий тилларни ўқитиш ва ўрганиш учун кенг шароитлар яратилган. Тил нафақат оғзаки мулоқот, балки виртуал оламда ўта юқори тезликда ахборот алмашиш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилмоқда. Фуқароларимизнинг жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, қўшни мамлакатларда ҳукм сураётган нотинч вазиятларни билиши ва огоҳ бўлиши, бу ўз навбатида, оиласининг тинчлигини таъминлашга хизмат қилади. Тинчликни сақлаш ҳар бир фуқаронинг Ватан олдидаги бурчидир. Зеро, «қўшнинг тинч-сен тинч»,- деб бекорга айтмаган доно халқимиз. Хорижий тилларни мукамал билиш-мамлакатлараро ўзаро тажриба алмашинишга, энг илғор технологиялар таъсирида ўзгариб, янгиланиб бораётган

соҳавий билимларни ўзлаштиришга ва ҳаётга татбиқ этишга, юртимизнинг ривожланган мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлигини янада юксалишига, умуман юртимизда барча соҳаларнинг ривожланишига хизмат қилади.